

LEXICAL AND SEMANTIC FEATURES OF ARCHAIC WORDS IN THE WORKS OF GHAFUR GHULAM AND ABDULLAH QANHOR

Marufjon Kambarov Abduhakimovich - Guliston

Lecturer at the Department of Uzbek Linguistics, State University

Тил тизим сифатида узлуксиз ҳаракатда, ривожланишда бўлиб туради. Бу унинг ижтимоий моҳиятидан келиб чиқади: тил ва жамият, тил ва онг, тил ва тафаккур ўртасидаги икки томонлама алоқадорлик уларнинг бир-бирига таъсирини белгилайди – жамиятда бўлиб турадиган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, илмий-техникавий тараққиёт, иқтисодий ва маърифий соҳалардаги ислоҳотлар тилнинг луғат бойлигида янги-янги сўз ва атамаларнинг юзага келишини, айти пайтда маълум сўз-лексемаларнинг эскириб, тарихий категорияга айланишини тақозо қилади. Бу жараён тилнинг луғат бойлигида лексемаларнинг эскиришини, бунинг натижасида тарихий сўзлар, архаизм ва неологизм каби лексик бирликларни юзага келтиради. Ҳозирда ҳам яхлитлигича, яъни грамматик ёхуд фонетик жиҳатдан бирор ўзгаришга учрамай қўлланаётган лексемалар лексик архаизмлар жумласига киради. *Лексик архаизмлар* - ҳозирги пайтда мавжуд бўлган воқеликнинг эскирган номи. Тилшуносликда лексик архаизмлар икки жиҳатга кўра фарқланиши қараб талқин қилинган: - *Архаизм-лексема*. Ҳозирги пайтда мавжуд бўлган воқеликнинг эскирган номи. Унда лексема яхлит ҳолда эскирган бўлади: *лаб-дудок, қассоб* – *саллоҳ, элчихона-сафорат, қўшин* – *черик, пароль* - *ўрон*. - *Архаизм-семема* - ҳозирги тилда мавжуд бўлган лексеманинг эскирган маъноси. Асосий адабиётларда семантик архаизмлар деб юритилади. Лексеманинг бирор маъносининг эскириши, ҳозирда фаол қўлланмайдиган бўлиб қолиши ҳодисаси. Бунда лексема яхлит ҳолда эмас, қисман (семантик таркибидаги маъноларидан бири) эскиради. *ғам* - ҳозирги ўзбек тилида «қайғу», «ҳасрат», «алам», «ташвиш», «кулфат», ўтмишда (эски ўзбек тилида) «ишқ», «муҳаббат», «севги» маъноларини ҳам ифодалаган, архаизм-семема. *Ҳарф* - ҳозирги ўзбек тилида «алифбодаги график белги», эски ўзбек тилида «сўз», «нутқ» маънолари ҳам бўлган архаизм-семемадир. Бундай сўзлар гуруҳи қайд этилган сабабларга кўра, бир асарда кўпроқ, бошқасида эса камроқ қўлланган бўлиши мумкин. Бу ҳақда муайян тасаввур ҳосил қилиш ёхуд ҳар қайси муаллифнинг ўзига хос услубини аниқлаш мақсадида Ғ.Ғулом ва А.Қаҳҳор каби атоқли ёзувчилардан ҳар бирининг асарлари тилида ишлатилган лексик архаизмларни алоҳида-алоҳида кўриб чиқиш лозим топилди.

1. Ғ.Ғуломнинг 30-йилларла яратилган хилма-хил мавзуларга бағишланган насрий асарларида унинг поэзиясига нисбатан архаик лексемалар унчалик кўп қўлланмаганлигини қайд этиш мумкин. Уларнинг бир қисмини асли ўзбекча лексемалар ташкил этади. Масалан, адибнинг “Шум бола” қиссасида учта ўзбекча архаик лексик birlik ишлатилганки, улар фақат битта тушунчани, яъни “цирк” маъносини ифодалайди. Шулардан бири ажойибхона луғавий бирлигидир. Мазкур лексема ЎТИЛ (2006, эск. пометаси)да “музей” маъносини ифодалаши қайд этилган. Унинг айти шу маънода қўлланганлигини “Тараққиёт” газетасидан олинган қуйидаги мисол ҳам тасдиқлайди: Тўқйу шаҳринда бир (музей) ажойибхона очилмишдур (1900, 10). Бироқ қиссада бу лексема “цирк” маъносида ишлатилган: Менга эса ҳеч қутилмаганда тўсатдан бўладиган ҳодисалар, чунончи: ... ажойибхонанинг йўлбарси бўшаб кетиб, атторликдаги Валиқожи акага човут солгандай саргузаштлар... ёқар эди (126-127).

Шунингдек, асарда от ўйинхонаси ва от ўйини¹ каби бирикмалар ҳам “цирк” маъносида

¹ Иккала луғавий birlik ҳам XIX асрнинг охири XX аср бошларида «цирк» лексемаси асосида яратилган ўзига хос неологизм сифатида она тилимизда ишлатилган. Масалан: Чунончи, Петербург шаҳрида бўладурган тсирк деган, яъни от ўйинхонасига 23-нчи январда бир неча ҳурматлик депутатларни... бош олиб (бошлаб- М.Қ.) бордилар (Туркистон вилоятининг газети, 1895, 42); Чунончи дўмаҳона жойини от ўйини учун 500 сўмга қўйибдур (Шу газета, 1913, 55).

ишлатилган: Буларга ҳам қаноат қилмай, кўнглинг фил истаб қолгудай бўлса, Юпатовнинг от ўйинхонаси қочиб кетгани йўқ. (91); Кўмир сарой майдонининг ўртасида кўку оқ брезентлардан қурилган Юпатов от ўйинининг каттакон баҳайбат гумбази турар эди (130).

“Шум бола” қиссасидан олинган яна бир матни келтирамиз: Новча йигит сузган бўзадан озгина татиб кўриб, биринчи оёқни Султонга узатди (31). Бизни, табиийки, матнда ишлатилган оёқ лексемаси қизиқтиради. Чунки у асрлар давомида аждодларимиз ишлатиб келган сўздир. Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” номли асарида “идиш, коса” маъносида оёқ (ајақ) сузи ишлатилганлиги қайд этилган². Бу луғавий бирликнинг қадимги даврларда ҳам қўллаб келинганлигини номаълум муаллифнинг «Аттуҳфа»¹ номли ноёб ёзма ёдгорлиги ҳам тасдиқлайди. Бу далилларни келтиришдан мақсад, Ғ. Ғулом каби сўзпарвар ижодкорларнинг кўп асрлар илгари ҳам ишлатилган айрим сўзларни яна ўзбек тилимизга қайтариб олиб келишдан иборат олижаноб ҳаракати эди, деб баҳолашдир. Келтирилган ҳолларда Ғафур Ғуломнинг оёқ сўзини қўллашининг сабаби тасвирланаётган вазият, ҳолат билан ҳам боғлиқдир. Чунки воқеа қозоқлар ўтови қошида, қозоқ оиласи даврасида кечмоқда. Демак, ёзувчи қозоқлар турмуши билан борлик, вазиятбоп деталларни асар матнида ифодалаш учун оёқ сўзини коса, идиш сўзлари ўрнида ишлатган. Оёқ аслида чинни коса, темир ёки мис идиш эмас. Балки ёғочдаи ясалган, ўртаси ўйиб ишланган ёғоч косадир. Демак, тўғрироқ баҳоланадиган бўлса, Ғафур Ғулом қўллаган, асар матнига олиб кирган оёқ сўзи қозоқлар турмушини гавдалантириш учун қўлланилган экзотизм - экзотик сўздир. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, келтирилган матндан сал юқорида ҳозирда оёқ сўзининг синоними ва ҳозирда қўлланишда бўлган коса лексемасидан ҳам фойдаланилган: ... кампир ўтовга кириб иккита қовоқ манак (бўза қўйиладиган идиш)да бўза келтириб қўйди. Бир неча заранг коса олиб келди (31).

“Нетай” қиссаси тилида ҳам архаизмлар унчалик кўп учрамайди. Жумладан, асарда “мударрис домла” нутқида мубараддор (“аниқ” маъносида), дасиса (“ҳийла, найранг, алдаш” маъносида) каби лексемалар ишлатилган: Мана ўзингизга кўп равшан ва мубараддорки. Мингтепа қишлоғидан аллақайси... мурдор бир киши чиқиб даъвои эшонлик қилди. Ўз атрофига бир тўда оёқяланг муриду мухлисларни йиғиб ва аларга ажнабий дасисалар кўргузуб...бош кўтарди (31).

Ғ.Ғуломнинг “Ёдгор” ва “Тирилган мурда” каби асарларида эса баъзи оригинал архаизмларнинг ишлатилмаганлиги аниқ бўлди. Шу билан бирга, адиб асарларида аслида русча-байналмилал бўлган, ўз вақтида неологизм деб ҳисобланган, бироқ ҳозирги кунда архаиклашиб қолган 15 дан ортиқ русча-байналмилал лексема ҳам ишлатилган.

Маълумки, XX асрнинг бошларидан қатор мамлакатларда «моторли, ҳаводан оғир учиш аппарати» юзага кела бошлади ва аэроплан деб аталадиган бўлди. Бу атама ўзбек тилида ҳам турли фонетик вариантларда ишлатила бошланганлигини қуйидаги мисоллар билан тасдиқлаш мумкин: Гирмониё ойруплонлари... рус аскарлари тарафидин милтиқ билан отилмоқдадир (Садои Фарғона, 1914, 47); Анда қанча одамлар ойроплон деган осмонда учиб юрадурган аробани... кўрдум (Туркистон вилоятининг газети, 1911, 62).

Хуллас, мазкур атама муайян мақсадларда бадий адабиётда ҳам ишлатила бошланди. Буни Ғ.Ғулом қиссалари мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Масалан, унинг “Ёдгор” қиссасида шу атама ишлатилган: Ярим-ёрти тили ҳам чиқиб қобди. Чунончи...” аэроплан ” дегин десам “аюпян” дейди (166).

Шуниси ҳам борки, Ғ.Ғулом мазкур атаманинг хайрипилон фонетик варианты “Шум бола” қиссасида персонаж нутқи орқали ифодалаган. Масалан, Аҳмадали сўфи шундай дейди: ...Бехосдан турган кишини милтиқ билан отмоқ, тинч аҳолининг хонадонига тўп қўймоқ,

² Кошғарий Маҳмуд. Девону луғотит турк. I том, 112-бет.

Аттуҳфатуз закияту филлуғатит туркия (таржимон ва нашрга тайёрловчи С. Муталлибов). — Тошкент, 1968, 165-бет.

осмонга хайрипилон чиқармоқ - буларнинг бари номардлик — бу кофирнинг иши... (126).

XX асрнинг бошларида озарбайжон ёхуд турк тиллари орқали ўзбек тилига ҳам ўтиб қолган вофур (асли вапур)(1) лексемаси «пароход» маъносида қўлланган: Бу киши вофур ила бир соатда ўттиз чақирим юрса... «Иноятилло Мирзажон ўғли. Ҳисоб масъаласи. — Тошкент, 1913).

Ғ.Ғуломнинг «Шум бола» қиссасида эса мазкур атама осмону вафур шаклида «самолёт» маъносида ишлатилган (персонаж нутқида): Акнун ушбу замонага мағриби замин томонидан олмон деган бир бадбахт душман подшо чиқиб, жаноби император ҳазратларининг тахти салтанатларига... осмону вафур... юбориб кўп ерларни ғабс этиб,... кулфатлар солиб турмоқ- да...(134). Келтирилган далиллардан ҳозирда ўзбек тилида муқим бўлиб қолган «самолёт» лексемаси ўрнида аэроплан // хайрипилон, осмону вафур каби архаик луғавий бирликлар ишлатилганлигидан далолат беради. Тўғри, ўтган асрнинг 90-йилларнинг бошларида самолёт луғавий бирлиги ўрнида тайёра (Рейтер агентлигининг билдиришича, АҚШда яна бир тайёра ҳалокатга учраган. Турк. 1996, 19), учқуч (Ҳозирда СУ русумли учқучлар жуда бозоргир бўлиб қолмоқда. Даракчи, 1996, 21) каби луғавий бирликлар ҳам қўллана бошлади. (1.Қаралсин: *Усмон Олим, Ш. Ҳамитов. Ўзбек тили лексикаси тарихидан материаллар XIX асрнинг охири XX асрнинг бошлари. — Тошкент, 1981, 49-бет*). Лекин бу «лисоний мусобақа»да ҳам «ғолиблик» самолёт атамасига тўғри келдики, бу «тил ўта сирру тилсимотларга бой, шу билан бирга, ўта ўжар ҳодиса қабалидаги нақлнинг тўғри эканлигини тасдиқловчи бир далилдир. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, истеъмолга кириб келаётган сўзларнинг муқобилини қабул қилиш ёки қабул қилмаслик халқнинг измида. Муқобил сифатида кириб келган сўзларни қандай қабул қилишни вақт белгилайди ва қачонки тўлиқ истеъмолга кирганидан кейингина бу сўзни ўзимизнинг лексиконимиз бойлиги сифатида қабул қиламиз. 90-йилларда тилимизга кириб келган ноҳия (туман), тайёрагоҳ (аэропорт), нақлиёт (транспорт), раёсат (хайъат) каби сўзларни халқнинг ўзи қабул қилмаганлиги бунинг исботидир.

Ғ. Ғуломнинг «Нетай» қиссасидан олинган қуйидаги мисолга эътибор берайлик: Шаҳарнинг бутун боёнлари, уламолари —зарёқа тўнли, тилла медалли пачётний гражданилари. боринги, Шашқол домланинг «махтоввачча»ларигача...нон-туз қилиб, пешвозга чиққан эдилар (48).

Ғ.Ғулом қиссаларида юқоридаги матнда келтирилган пачётний, гражданин³ каби лексик архаизмлардан ташқари, гарчи кам миқдорда бўлса-да, яна қуйидаги архаик лексемалардан фойдаланилганлигини кўриш мумкин: Пахта плани колхоз бўйича бир юз йигирма процент, бизнинг бригада бўйича бир юз ўттиз беш процент бўлди (Тирилган мурда, 68).

Келтирилган матндаги лексемалар яқин-яқингача фаол равишда ишлатиларди. Ҳозирда эса улар архаизмларга айланиб қолмоқда. Чунки эндиликда план ўрнида режа, процент ўрнида фоиз лексемалари ишлатилмоқда.

2. А.Қаҳҳор асарларида ҳам архаик лексемалардан фойдаланилганлигини тасдиқловчи далиллар мавжуд. Аввало шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, унинг «Сароб» романида ҳам, ҳикояларида ҳам, асосан, персонажлар нутқида ундан ортиқ лексик архаизм ишлатилган. Фикримизнинг далили учун қуйидаги мисолларни келтирамиз: Учмоҳ (синоними: жаннат): [Маҳмуджон афанди]: Шу нуқтада мен Марксни танқид қиламан. Маркс бировнинг жаҳаннам азоби, иккинчи бировнинг учмоҳ роҳатини вужудга келтиради, дейди (78). Учмоҳ лексемасининг архаизм экани аниқ. Баъзи ҳолларда ҳозирги давр шоирлари тилида бу сўз қўлланган ўринлар учрайди: Умринг ёруғ, Ватанинг учмоҳ. Мендан сўра, Мен ёниб ўтдим (Миртемир). Бироқ бундай қўлланиш доимий меъёр даражасида бўлмагани учун учмоҳ сўзининг архаизм эканини инкор қила олмайди. Таъкидлаш жоизки, учмоҳ лексемаси учмоқ

³ Ҳозирда пачётний ўрнида фаҳрий, гражданин ўрнида фукаро лексемалари қўлланаётганлиги учун улар архаизмлар жумласига киради.

шаклида айни шу маъносида буюк луғатшунос олимимиз Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” номли асарида қайд этилган⁴.

Муҳаққак (синоними: чин, рост, тўғри; ЎТИЛда эскирганлиги қайд этилган): [Муродхўжа домла]: Шундай деган бўлсам далил кўрсатинглар. Фақат қийин дедим. Қийин эканлиги муҳаққак... (Сароб, 70).

Муҳораба (синоними: уруш, жанг): [Маҳмуджон афанди] Бундан ёвузлик, бир-бирини кўролмаслик, ваҳшат, муҳораба ва ҳоказолар туғилади (78).

Сабийлик (синоними: гўдаклик): [Маҳмуджон афанди] Вақтоки келиб инсоният балоғатга етади, унинг сабийлик феъл-атворлари орқада қолади (78).

Шу билан бирга “Сароб” романида спорадик тарзда бўлса-да, архаизмлардан муаллиф нутқида фойдаланилганлигини қуйидаги мисоллар тасдиқлай олади:

Мусофирхона (синоними: меҳмонхона): Октябрь инқилоби Маҳмуджон афанди севган осойишталикни бузиб, мамлакатни ларзага келтирганда, унинг отаси ўзининг босмахонаси, бир неча мусофирхоналари... хазондай учиб тушди (78).

Искард⁵ (синоними: меъёр, норма): У [Аббосхон] суҳбатдан четланиб, ўзидай кам ичадиган бирон киши билан сўзлашиб ўтирарди. Муродхўжа домланинг искарди бор, шундан ошса ўлгундай суюк бўлади (91).

“Сароб” романи зиёлилар ҳаётига бағишланганлиги учун ҳам унда кўплаб русча-байналмилал лексемалар ишлатилган. Бироқ ҳозирга келиб, бу луғавий бирликларнинг бир қисми архаизмларга айланиб бормоқда. Масалан, студент атамасини олиб кўрайлик. У асарда бир неча марта ишлатилган: Буларни кўрганда Саидий афсусланади эди: Шулар ҳам студент!... (12): Тинчгина, биров ҳалал бермайдиган, студентларнинг кўзидан узоқ жой бўлса яхши бўлар эди (16). Кўп вақт ўтган эмас. Узоғи билан 15-20 йил илгари студент лексемаси асосий атама ҳисобланади, айни шу тушунчани ифодаловчи талаба эса онда-сонда ишлатилар эди. Ҳозирги кунда кўпроқ катта ёш вакиллари иккала лексемадан ҳам фойдаланишади. Дарвоқе, «Сароб» асарининг ўзида ҳам мазкур лексема фақат бир марта ишлатилган. Масалан: Саидий ҳақиқатан талабалик вақтида кўп шеърлар ёзган... эди (20). Тўғри, бу ўринда талаба лексемаси “мактаб ўқувчиси” маъносида қўлланган. Бироқ, бундан қатъий назар, студент // талаба жуфтлиги оппозициясида кейинги лексема устунликка эришди, яъни студент ўрнида талаба қўлланадиган бўлди. Айрим мисоллар келтирамиз: Шаҳримизни кўкаламзорлаштиришда Гулистон давлат университетининг талабалари ҳам фаол иштирок этишди (СХ, 2000/3); Қаршида бўлиб ўтган фан олимпиадасида сирдарёлик талабалар биринчи ўринни эгаллашди (ЎО, 1999 /4).

Лексемаларнинг мана шу тахлитдаги ўзаро «рақобати»да «Сароб» романида ишлатилган қуйидаги русча-байналмилал луғавий бирликлар архаизмга айланиб, уларнинг ўрнини бошқа (ё илгаридан қўлланган, ё янгидан яратилган) лексик бирликлар эгаллаганлигини қуйидаги мисоллар тасдиқлай олади:

Адрес —> манзилгоҳ: Ёқубжон хийла шошиб қолди: - Бориб туради. Баъзилари қайтади. Берилган адрес нотўғри бўлади (48).

Доклад —> маъруза: Вилоят ижрокомининг раиси доклад қилади... эшитамиз (67).

Секретарь —> котиб⁶: Мунозарага вилоят ижрокомининг секретари ҳам аралашди (74).

Кандидат —> номзод: Мирзакарим деган бир доктор бор. У — кандидат (211).

4 Кошғарий Маҳмуд. Девону луғотит турк. III томлик. I том, 143-бет.

5 ЎТИЛда мазкур сўзнинг искард шаклига эга эканлиги қайд этилган, бироқ эскирган эканлиги кўрсатилмаган.

Дарсликларнинг бирида, аксинча, котиб лексемаси архаизм жумласига киритилган.

6 Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили, 44-бет). Тўғри, дарслик яратилган пайт (1970)да у архаик лексема эди. Бу ҳақда ҳатто 1981 йилда нашр этилган ЎТИЛда ҳам эскирганлик пометаси (эск.) қўйилган эди (I жилд, 400-бет). Ҳозирда эса у фаол қўлланивчи лексемага айланди: Идора котиби хушбичим, келишган жувон эди (ШЮ, 99/8).

А.Қаҳҳорнинг 30-йилларда эълон қилинган ҳикояларида ҳам архаик лексемалар учрайди. Масалан, унинг биргина «Миллатчилар» ҳикоясида тилмоч (ҳозирда таржимон; баъзан мутаржим), муҷалла (ҳозирда журнал; айрим ҳолларда ойнома), филҳол (дарров), мурдор (ҳаром), важҳ (важ) каби 6 та архаик луғавий бирлик ишлатилган.

Ёзувчининг бошқа ҳикояларида эса ўзбек тилининг юқоридаги каби мулки бўлмиш (улар форсча ёки арабча бўлишидан қатъи назар) архаик лексемалардан фойдаланилган.

Адибнинг ҳикояларида 6-7 та атрофида аслида русча-байналмилал бўлмиш архаик сўзлар ишлатилган. Чунончи: Малоҳатхон, Жонфиғон извошчиликдан ҳайдалган йили, маҳалладаги актив аёлларнинг ҳимояси остида, эрининг қаршилигига қарамай, район советига уборщица бўлиб кирган экан; ўқибди, ҳадемай саводи чиқибди, бир йил — бир ярим йилдан кейин ҳатто мажлисларда докладчига “Ўртоқ, сизга саволим бор” дейдиган бўлибди (ТА, I, 96). Бир гапнинг ўзида ишлатилган бу тўртта лексема юқоридагилар каби эндиликда архаизмлар қаторидан жой олган. Чунки ҳозирда актив, район, уборщица, докладчи луғавий бирликлари ўрнида фаол (фаола⁷ ёхуд фаол аёл). туман, фаррош, маърузачи кабилар ишлатилмоқда.

Тўғри, адибнинг ҳикояларида ҳозирда архаиклашган (бинобарин, ўзбекча варианты билан алмаштирилган) лексемалар унчалик кўп эмас. Мана шундай луғавий бирликлар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин: Ударник —> зарбдор: Бу заводда ҳамма заводлардаги сингари, ошхонада ударниклар столи алоҳида (ТА, 1,67).

Местком⁸ —» маҳаллий жамоа: Шишаларни олиб кетганим рост. Месткомдан сўраганман, майли деган (ТА, 1, 142).

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш жоизки, бугунги кун нуқтаи назари билан эскирганлик қаторига киган архаизмлар даврлар ўтиши, жамиятдаги ўзгаришлар натижасида яна умумхалқ тили бойлигига айланиши шубҳасиздир.

Маъруфжон Қамбаров Абдуҳакимович- Гулистон

давлат университети Ўзбек тилшунослиги кафедраси

ўқитувчиси

Ўзбек бадий насрий асарларидаги грамматик архаизмлар

Ўзбек тилшунослигидаги архаизм мавзуси ёритилган ишлардан маълум бўлишича, лексема таркибидаги сўз ясовчи ёхуд сўз ўзгарувчи қўшимчаларнинг синхрон нуқтаи назаридан эскириши (архаиклашиши) барча ишларда бир хил атама - грамматик архаизмлар тарзида номланганлигини таъкидлаб ўтамиз⁹. Бу борада яқдиллик мавжуд эканлиги ҳисобга олингани туфайли ишимизда ҳам айти шу терминдан фойдаланишни лозим, деб топдик. Архаиклашиш ҳодисаси тилнинг грамматик бирликларида, хусусан, аффиксал морфемаларда ва шу морфемалар иштирокида шаклланган грамматик формаларда ҳам учрайди. (*Бундай вариантлар тилшуносликда фонетик-грамматик архаизмлар деб ҳам юритилади*).

XX асрнинг 30-йилларида Ғ.Ғулом, А.Қаҳҳор каби ёзувчилар томонидан яратилган бадий насрий асарларга мурожаат этилганда, уларда архаизмнинг айти шу тури (*ҳозирги кун нуқтаи назаридан, албатта*) мавжуд эканлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Фикримизнинг далили учун қуйидаги асарлар тилига мурожаат қилсак.

1. -гуси (-гуси) сифатдош ясовчиси, гарчи эски ўзбек тилида фаол ишлатилган бўлса-да, ҳозирда бу қўшимча архаиклашиб қолган: Норбуви эса унинг қўлидан ушлаб, ҳамон ичкарига тортар, лекин Салимов тебрангуси келмасди (Х.Ш. ТА, 194); Лекин колхоз масаласига

⁷ Қўшимча далил сифатида қайд этнш лозимки, айти шу форма Х.Шамснинг «Душман» романида қайд этилган: Норбуви деб аталувчи бу хотин - кишлокнинг фаоласи... (107).

⁸ Русча «местный комитет» бирикмасининг қисқартма шакли.

⁹ Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили, 157-158- бетлар; Киличев Э. Архаизми и историзми в прозе С.Айни. —С. 12-14; Ўзбек тили лексикологияси, 150-151 -бетлар.

қўшилгуси келмади (Шу манба, 6); Тустовуқлар тозаланиб, тузланаётганда Қутбиддиновнинг феъли айниди, яъни биронта шинаванда улфат билан дилкашлик қилгуси келди (А. Қахҳор. Ўжар. ТА, II, 10).

2. Сифатдош ясовчи -увчи (-овчи) аффиксининг -гувчи ва -кувчи тарзидаги ҳолатини ҳам архаик ҳисоблаймиз: Генерал жаноблари... мусулмон фуқароларининг осойишталикларига ва уларнинг барҳақ динларига ҳалақит бергувчи бундай ҳодисани тезлик билан бартараф қилинмоғи ... адъютантларга эълон қилибдурлар (Ғ. Ғулом. Нетай, 44); Жобир болохонадан тушқувчиларнинг товушларидан ажратиб турди... (Х.Ш., 148).

3. Бундайин, дамгачайин типидagi ясалмалар таркибидаги -ин, -йин каби элементлар ҳозирда ишлатилмайди: Тингловчи ҳайрон бўлади... қишлоқнинг ўзидаги ишончли раҳбарларнинг: Норбуви, Жўраларнинг эса, бундайин гапни ҳали ҳеч қаерда гапирмаганларини ўйлади (Х.Ш. ТА, 158); Шу дамгачайин “отин буви”лар, оқсоқол оталар дағдағасидан қўрқиб юрган қизлардан ҳам кўпчилиги... (Шу манба, 236); Зомин тоғларининг кўм-кўк ён бағирлари, кўз илғамас ерларгачайин этак ёйган майсалари чорвадорларнинг умр бўйи давр сурган бўстониدير (Ғ.Ғулом. Нетай, 21) (*Ерларгачайин-ҳозирги ерларгача*).

4. Шарт майлини ясовчи -гин (-кин) аффикси ўрнида -гил қўшимчасидан фойдаланилган: Ўйнашмағил арбоб билан — сени урар ҳар боб билан» (А.Қахҳор. Ўғри, ТА, 34).

30-йилларда яратилган бадиий насрий асарларда ўз ифодасини топган грамматик архаизмлар хусусида тўлароқ тасаввур ҳосил қилиш мақсадида айни шундай эскирган грамматик архаизмларга батафсилроқ тўхталамиз. Бундай грамматик архаизмлар жумласига қуйидагилар киритилди:

1. -в (-ов, -ув) аффикси хусусида академик А.Ҳожиёв шундай деб ёзади: «Асли феълнинг ҳаракат номи формасини ясовчи бўлган бу аффикс ҳозирги ўзбек адабий тилида ўз функциясини ўзгартирган, яъни унинг ёрдамида ҳаракат номи формасининг ясаши адабий норма ҳисобланмайди»¹⁰.

Бинобарин, -в ясовчиси архаик аффикслар қаторидан жой олган. Айни шу элемент билан ҳосил қилинган лексемалар эса 30-йиллар насрий асарларида ҳаракат номлари сифатида қўлланган бўлиб, бундай луғавий бирликлар «...ҳозирги ўзбек тилида жуда кам ишлатилади»¹¹.

Шу нарса характерлики, ўрганилган давр муаллифларининг барчаси асарларида мазкур феъл формаси қўлланавермайди. Бундай лексемалар фақат Чўлпон ва Ғ.Ғулом асарларидагина ишлатилган. Муаллиф нутқида ўндан ортиқ ва персонажлар нутқида 6 марта ҳаракат номидан фойдаланилган. Мисоллар келтирамиз:

Тўпланган материаллар -в аффиксли ҳаракат номлари, айниқса, Ғафур Ғулом асарларида кўплаб ишлатилганлигидан далолат беради. Жумладан, унинг «Нетай» қиссасида берув, қолув, ўтув, бўлув каби ўнга яқин шундай лексемадан фойдаланилган. Фикримизнинг исботи учун келтирилганлардан ташқари қуйидаги матнли мисолларга мурожаат этамиз: Булар «келажак» замоннинг «аҳли илмлари». Булардан келажакда (фақиҳлар, муфтилар, аъламлар, мударрислар чиқувини кутадилар (29); ... чол сўфи қуёш ботувини кутади ва азон айтишга оғзини ростлайди (29); Гирдобнинг еми бўлади, токи унга ўтириб, бу гирдобга қармоқ солув мумкин бўлсин (36).

Адибнинг «Ёдгор» қиссасида ҳам айни шундай ҳаракат номларидан фойдаланилганки, улар ҳам юқоридаги мисоллар каби муаллиф нутқида қўлланган: Саодат билан кўпинча бирга юрамиз. Ҳатто бир ойнанинг ичида икки-уч марта бирга паркка борувимиз ҳамма учун ҳам

¹⁰ Ҳожиёв А. Ўзбек тили сўз ясаши. -Тошкент, 1989, 48-бет. Қаралсин: Р.Юнусов. “Омонимларни юзага келтирувчи бир омил ҳақида”, “Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари” (Республика илмий-назарий анжумани, Т., 2010), 35-38-бетлар.

¹¹ Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили, Тошкент, "Ўзбекистон", 353-бет.

масаланинг очилиб қолишига сабаб бўлган эди (112); Менинг кириб келувим ҳар икки уйда ҳам... катта қувончларга сабаб бўлди (117); Менинг бир нафас чўмувим Саодатни шубҳалантирдими, билмадим (118); Лекин соғинув ўз ҳукмини ўтказиб туради (119) ва б.

Шуни таъкидлаш керакки, -в аффиксли архаик форма ўша даврда ижод этган бошқа ёзувчиларнинг асарларида жузъий ҳолат тарзидагина учрайди. Жумладан, А.Қаҳҳор асарларида атиги икки-учта шундай лексема ишлатилган: Ҳамма полвоннинг кўзига тикилиб, ... кўзини боғлаб олгандан сўнг одамларнинг диққати девор устида ёниб турган шамга жалб бўлди, чунки бу даволашда унинг очиқ иштироки йўқ, аммо полвон унга кўпроқ аҳамият бериб, ўчиб қолувидан жуда қўрқар эди (Кўр кўзнинг очилиши, ТА, I, 53); ... Туркистоннинг фатҳ қилинуви... (Сароб, ТА, II, 40); Бу одам динда, мактабларда турли ислохотлар ўтказишни, подшо ҳукуматининг йиқилувини тилар... эди (40).

Шундай қилиб, ҳозирги ўзбек тилида бир мунча вақт илгари бироз фаол бўлган -в аффикси иштирокида ҳаракат номи ясалиши деярли барҳам топиб, архаик формага ўтиб қолган дейиш учун келтирилган далиллар етарли асос бўлиб хизмат қила олади, деб ўйлаймиз. Ҳозирги ўзбек тилида бу аффиксининг функцияси бутунлай -ш (-иш) сўз ва форма ясовчисининг «зиммаси»га ўтиб қолганлигини ҳам таъкидлаш лозим.

Маълумки, эски ўзбек тилида -моқ аффикси воситасида ясалган ҳаракат номлари бир қадар фаол ишлатилган. Фикримизни далили учун фақат битта манбадан, Заҳиридидин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» асаридан айрим мисоллар келтириш билан чекланамиз: Мен Иброҳимбекка дедимким, не қилмоқ керак (102); Филҳол бировни ёғий орасида тушуриб қўймоқлик хуш ёқмади (103); Мен дедимким: - Менинг кўнглум тўхтамайдур, анда бормоқ худ мумкин эмас (104) ва б.

«Ҳозирги ўзбек адабий тили» дарслигида -моқ аффикси хусусида шундай дейилган: «Ҳозирги ўзбек тилида эса нисбатан камроқ ишлатилади»¹². Тўғриси ва рўй-рост айтиш лозимки, -моқ аффиксининг ҳаракат номини яшаш функцияси тугаган. Унинг ўрнини -и(ш) аффикси тўлалигича эгаллаб олди. Бинобарин, -моқ аффиксли лексемаларни тамоман архаик форма деб айта оламиз. Фикримизни қуйидаги далиллар билан асослашга уринамиз:

1) Маълум бўлишича, Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романида 30 та лексема мавжуд бўлиб, улар айна шу -моқ аффикси билан шаклланган. Шулардан 3-4 тасини матн қуршовида келтирамиз: Толларнинг кўм-кўк сочпопуклари қизларнинг майда ўрилган кокилларидай селкиллаб тушмоққа бошлади (21); Энди қушларга қанотларини ростлаб туриб: «пир!» эта учмоқдан, кенг кўкларга, фазоларга парвоз қилмоқдан бошқа нарса қолмади (36); Ёр-ёрлар ботиб бошқа ҳар хил куйларга ўтилди, энди Зебини тўхтатмоқ мумкин эмасди (40); Кампирча эшикни очар-очмас севинчиламоқ учун ичкарига югурган эди (40) ва б.

Шу билан бирга, асарнинг персонажлар нутқида ҳам -моқ аффиксли сўзлар қўлланган. Масалан: ...газетада мана шу беш-олти оғиз сўз борида: ...бўлуснинг ҳокими мутлоқи ўлан Акбарали мингбоши ...муаллимини ҳақ бермасдан ҳайдатдирди... Уч ойгина давом эта олмиш бу мактаб миллат болаларина оз-да бўлса оқ-қорани танитдирмоққа муваффақ бўлмиш эди. Мингбошининг ўзи эса ҳар сана бир эвланмоқдан, хотин янгиламоқдан бўшалмайдур... (92-93); -Яна жадидлар билан кўп сўзлашмоқ керак (192).

Шунингдек, Ғ.Ғуломнинг «Ёдгор» қиссасида, гарчи, юқоридагидай даражада кўп бўлмасда, ҳаракат номларидан айримларининг -моқ аффикси иштирокида ясалганлигини кўриш мумкин. Мисоллар келтирамиз: Келажакда бахтли бўлмоқни истаган ҳар бир қиз ўқиши керак (172); Бўлиқ, тоза, оқ, юзларига тўзғиб тушган паришон сочлари менинг юрагимни ўз занжирларига боғлаб олмоқ учун тайёр тургандай сезиларди (176); Яна кампирнинг ўзи гапни бошқа ёққа бурмоқ учун беш панжасини оғзи-бурни аралаш суркаб ўтирган Ёдгорни койиб кетди (185).

Ниҳоят, Ғ.Ғуломнинг «Нетай» қиссасида фақат бир ўринда -моқ аффиксли лексема

¹² Турсунов У. ва бошқалар. Кўрсатилган манба, 157-162 -бетлар.

ишлатилган: Қози .. тоғасидан ... Нетайни паранжи остига олмоғини тайин қилди (100).

Мисоллар таркибидаги тушмоқ, учмоқ, қилмоқ, ўйламоқ каби лексемалар ҳозирги нутқимизда фақат тушиш, учиш, қилиш, ўйлаш тарзида қўлланаётганлиги, шунингдек, севинчламоқ (40), олмоқ (50), титрамоқ (57), ахтармоқ (56), ўт очмоқ (59), камайтирмоқ (65), эшитмоқ (70), салом бермоқ (70), қилишмоқ (79), сўйланмоқ (88), учратмоқ (90), ётиб қолмоқ (92), алдамоқ (112), чақирмоқ (113), оқламоқ (116), бўғмоқ (119), кўрсатмоқ (253) сингариларнинг ҳам -ш (-иш) аффикси воситасида ишлатилаётганлиги шундан далолат беради.

2) А.Қаҳҳорнинг «Сароб» романи ва ҳикояларининг биронтасида ҳам -моқ аффиксли ясалманинг ишлатилмаганлигини алоҳида таъкидлаб ўтамиз. Тўғри, Ғ.Ғуломнинг «Нетай» қиссасида бармоқ билан санарли лексемаларгина ишлатилган бўлиб, улар -моқ аффикси билан ясалгандир. Бошқа асарларида эса бу морфема камдан-кам қўлланган. Шу ўринда биттагина изоҳ бериб ўтмоқчимиз. Аввало, қуйидаги мисолларга эътибор берайлик: Лочинбоев гапни яна давом эттирмоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган эди, ўртоғи орага сўз қўшди (Х.Ш. ТА, 37); Ўзимиз ҳам андак-андак тақия қилиб олмоқчи бўлдик (Ғ.Ғулом. Шум бола, 208).

Эттирмоқчи, олмоқчи кабилар таркибидаги -моқ ҳаракат номини эмас, балки -чи қўшимчаси билан биргаликда келаси замон мақсад феълени ясаб келади ва унинг архаикликка алоқаси йўқ.

3) Ҳозирги матбуот саҳифаларида, бадий адабиёт намуналарида -моқ аффиксли ҳаракат номлари ишлатиб турилади. Бироқ улар, кўпинча, шундай манбалардаги кекса авлод зиёлилари нутқида уни индивидуаллаштириш, ўзига хос характер яратиш мақсадидагина ишлатилиши мумкин.

Қисқа хулоса шуки, -моқ аффикси ҳаракат номини яшаш функциясидан архаиклашган ясовчи қаторига ўтиб қолди, унинг асосий вазифаси феъл формаларини яшашдан иборат бўлиб қолди.

Хулоса қилиб айтганда, ёзувчиларимиз 30-йиллар насрий асарларида ўзбек тилининг ўзига хос бир лексик қатлами бўлган эскирган грамматик шакллардан у ёки бу даражада фойдаланилган. Бу эскирган шакллар ўша даврда яратилган барча асарларда ҳам ўз ифодасини топган.

Маъруфжон Қамбаров Абдуҳакимович- Гулистон
давлат университети Ўзбек тилшунослиги кафедраси

ўқитувчиси

Ғафур Ғулом ва Абдулла Қаҳҳор бадий насрий асарларидаги тарихий сўзларнинг лексик хусусиятлари

Ўтмиш давр тили луғавий тизимида мансуб бўлган, ўтмишда бўлиб ўтган воқеликни ифодалаш мақсадида ҳозирги босқичда қўллаб келинаётган лексемалар историзмлар хисобланади. «Тилимизнинг ҳозирги мавқеи нуқтаи назаридан, -деб ёзади тилшунос олим С.Каримов, - қўлланиш фаоллиги бирмунча сусайган ёки умуман қўлланилмай қўйган сўзлар гуруҳи борки, улар ана шу амалда бўлиш частотасининг камайганлигидан келиб чиқиб, функционал жиҳатдан ҳам чегараланиб қолган. Яъни сўзлашув нутқида деярлик ишлатилмайди. Илмий услубда жуда кам фойдаланилади. Публицистик ва расмий-ҳужжат стилларида эса давлат тузумимизнинг ва ижтимоий муносабатларнинг кескин ўзгариши туфайли уларга қайтадан мурожаат қилиш эҳтиёжи туғилади. Фақат бадий услубдагина эскирган деб аталадиган бу гуруҳ обрў-эътиборини бирмунча сақлаб келмоқда (таъкид бизники-М.Қ)»¹³. Бу фикрнинг қанчалик тўғри эканлигини тадқиқот объектимиз, яъни А.

¹³ Каримов С. Ўзбек тилининг бадий услуби, -Самарканд, 1982, 117-бет.

Қаҳҳор, Ғ.Ғулом каби ёзувчиларимизнинг 30-йилларда яратилган насрий асарлари материаллари ҳам тўла тасдиқлайди.

Тарихий сўзлар ўтмиш воқелиги бўлган нарса-ҳодисаларнинг номларидир. Масалан: *ботмон*-«Ўзбекистоннинг турли ерларида турли салмоққа эга бўлган (икки пуддан ўн бир пудгача) оғирлик ўлчови»; *чақирим*- «1,06 километрга тенг узунлик ўлчови»; *чўри*-«қул хотин», «тутқунликдаги аёл»; *мингбоши*- «даҳа ёки қишлоқ оқсоқоли, ҳокими»; *омоч*- «уловга қўшиб ер ҳайдайдиган металл тишли примитив ёғоч асбоб» ва б.лар.

Тарихий сўзлар, одатда, узоқ тарихий жараёнлар давомида юз берадиган эскиришнинг маҳсули бўлади, аммо улар, баъзан, қисқа вақтда пайдо бўлишлари ҳам мумкин: яқин ўтмишда (1991 йилгача) ўзбек тилининг фаол сўзлари бўлган айрим лексемаларнинг (*партком, райком, горком, обком, совхоз* кабиларнинг) ҳозирги кунда эскириб, Тарихий сўзлар қаторига қўшилгани бунинг далилидир.

Тарихий сўзларнинг муҳим белгиларидан бири шуки, унинг ифода плани (номемаси) ва мазмун плани (семемаси) бирга эскиради, бинобарин, лексема яхлит ҳолда ҳозирги тил бирлиги бўлмай қолади.

Таъкидлаш жоизки, архаизмлар кўпроқ назмий асарларда, тарихий сўзлар эса насрий асарларда қўлланади. Шу боисдан бўлса керак, тадқиқ этилган асарларда тарихий сўзлар архаизмларга нисбатан кўпроқ ишлатилганлиги маълум бўлди. Бундай луғавий бирликлар биз тадқиқ қилаётган асарлар тилида 198 та бўлиб (такрорлари битта лексема деб олинди), улар конкрет олинган асарларда қуйидаги миқдордадир:

А.Қаҳҳорнинг “Сароб” романи ва ҳикояларида - 120 та.

Ғ.Ғуломнинг қиссаларида - 78 та.

Етук олимларимиздан Э.Қиличев¹⁴ ва Ш.Раҳматуллаевларнинг¹⁵ таъкидлашларича, тарихий сўзларнинг лексик, семантик ҳамда фразеологик каби турлари мавжуд. Тадқиқот объектимизда эса тарихий сўзларнинг фақат лексик туригина мавжуд эканлигидан келиб чиқиб, ёлғиз шулар ҳақида сўз юритишга тўғри келди.

Тўпланган материаллар таҳлилидан номлари тилга олинган ёзувчиларнинг асарларида қўлланган тарихий сўзларнинг мавзуй гуруҳлари анча чекланганлиги маълум бўлди. Лисоний материалдан келиб чиқиб, қуйида тарихий сўзларнинг мавзуй гуруҳлари хусусида сўз юритилади.

Тарихий сўзларнинг мавзуй гуруҳлари. Маълумки, ҳар қандай тилнинг лексикасини, луғат таркибини хилма- хил усуллар билан тадқиқ этиш мумкин. Луғавий бойликни муайян гуруҳларга ажратиш ўрганиш шундай усуллардан биридир. Лексика шу нуқтаи назардан тадқиқ қилинганда, асосан, қуйидаги таснифлаш йўлларида борилади:

- а) лексик-семантик гуруҳлар;
- б) мавзуй (тематик) гуруҳлар;
- в) семантик майдон.

Табиийки, бу гуруҳларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга¹⁶. Ўзбек тилшунослигида лексик қатламларини, хусусан, терминологик тизимларини тадқиқ этишга бағишланган ишларда тадқиқот объекти мавзуй (тематик) гуруҳлаштириш асосида ўрганиб чиқилган. Биз ҳам шу анъанага риоя қилиб, 30-йиллар насрий асарларида қўлланган историзмларни мавзуй нуқтаи назардан таҳлил қилишни лозим, деб топдик. Чунки “сўзларни тематик гуруҳларга ажратиш муайян халқ тилида қайси соҳаларга оид лексиканинг бой ёки

¹⁴Қиличев Э. Архаизми и историзми в прозе С.Айни. -С. 14.

¹⁵Раҳматуллаев Ш. Историзм // Кўрсатилган манба, 162-бет.

¹⁶Лексикани таснифлашдаги мазкур гуруҳларнинг бир-биридан фарқи хақида кара л сии: Розен Е.Е. Новое в лексике немецкого языка.-М., 1972; Фомина В. И. Лексика современного русского языка. —М., 1973; Гольдин В.Е. Об одном аспекте изучения тематических групп слов // Язык и общество. Вып.2. -М., 1970; Шанский Н.М. Лексикология современного русского языка. -М., 1972; Кодухов В.И. Общее языкознание. -М., 1974 ва бошқ.

камбағаллигини белгилашга имкон беради"¹⁷. Шу аснода, бадий асарларда қайд этилган тарихий сўзлар бошқа лексик қатламларга нисбатан оз ёки кам ишлатилганлигини аниқлаш имкони туғилади. Бунинг устига, 30-йилларда яратилган насрий асарлар муаллифларининг қайси мавзуй гуруҳларга оид архаизмлардан фойдаланганлик даражасини аниқлаш ҳам мумкин бўлади.

Лексикада, хусусан, ёзувчилар асарларида ўз ифодасини топган айрим лексемалар бундан анча олдин ҳам, яқин ўтмишда ҳам яратилган бўлиши мумкин. 30-йиллар насрий асарларида ишлатилган бу каби луғавий бирликларни маълум даражада бир-биридан фарқ қилиш мақсадида уларга ҳам диахрон, ҳам синхрон планда ёндашиш лозим, деб топилди. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, бадий асарларда акс этган тарихий сўзлар қуйидаги икки ҳолат бўйича тадқиқ этилди:

1. Асар яратилган даврда историзм ҳисобланган лексемалар;
2. Асар яратилган вақтда неологизм ҳисобланган ёхуд фаол қўлланган, бироқ ҳозирги кун нуқтан назаридан тарихий сўзлар ҳисобланадиган лексемалар.

Таҳлиллардан маълум бўлишича, ҳар бир ёзувчи асар мавзусининг конкрет тасвири тақозоси билан историзмларнинг бу иккала туридан хилма-хил даражада фойдаланишга ҳаракат қилган. Шу боисдан, ишда ҳар қайси муаллифга тегишли историзмлар қайд этилган икки ҳолат эътиборга олинган ҳолда кўриб чиқилди.

Ижтимоий-сиёсий ҳаётга алоқадор тарихий сўзлар. Ижтимоий-сиёсий ҳаёт дейилганда, жамиятда рўй бериб турган воқеа-ҳодисалар, давлат тузуми, давлатни бошқариш, давлат ичидаги ёхуд ундан ташқаридаги хилма-хил синфлар, партиялар, оқимлар ва ҳоказоларнинг фаолияти, кураши, интилиши ва бошқа хатти-ҳаракатлари каби тушунчалар англашилади. Шуниси ҳам борки, ҳар бир ижтимоий жамиятнинг ўзига хос ҳуқуқ-тарғиботи, бошқариш тизими мавжуд бўлган. Масалан, қулдорлик жамияти билан капиталистик жамият ўртасидаги ижтимоий-сиёсий ҳаётда ер билан осмонча фарқ бор.

Табиийки, қайд этилганларнинг барчаси, биринчи галда, лексикада ўз ифодасини топади. Янада аниқроқ қилиб айтиладиган бўлса, эски жамият ўрнига келган янги жамият ўртасида лексема сатҳида ҳам ўзаро алмашинув, янгиланиш рўй беради, яъни эскича яшаш тарзида мавжуд бўлган қатор тушунчалар эскиради, янгиси билан алмашади, бундай алмашинув эса луғавий бирликлар доирасида ҳам рўй беради. Мана шу аснода тарихий сўзлар деб аталмиш луғавий қатлам пайдо бўлиб қоладиги, унинг бир қисмини ижтимоий-сиёсий атамалар ташкил этади.

Мана шундай тарихий сўзлар жумласига қуйидагилари мисол тариқасида келтириш мумкин: амир, амирлик, амлок, амлоқдор, амлоқдорхона, аркон, бандаргоҳ, баршчина, батрак, батрачком, бек, беквачча, бекзот, беклик, бий, бийлик, боён, боргоҳ, бояр, боярлик, бўлис, вагончи, валиаҳд, васиқа, волостной, генерал-губернатор, гетман, губерна, губернатор // губир¹⁸, дарбон, дарбор, дархон, дафтардор ва бошқалар. Ўша давр учун тарихий сўзлар бўлган вақф, вақфнома, вақфхўр каби лексемалар ҳозирги кунда истеъмолда қўлланилмоқда (Вақф жамғармасидан кам таъминланган оилаларга беминнат ёрдам кўрсатилмоқда) (Газетадан).

Абдулла Қаҳҳор асарларидаги тарихий сўзлар. Маълумки, 30-йилларда А. Қаҳҳор "Сароб" романи ва ўнлаб ҳикояларини яратди. Табиийки, ижтимоий-сиёсий ҳаётда рўй бераётган воқеа-ҳодисалар, кишиларнинг ўзаро муносабатидаги хилма-хил чалкашликлар, алғов-далғов яшаш тарзи, давлатни бошқаришдаги ўзгаришлар ва ҳоказолар ана шу асарлар лексикасида ҳам ўз аксини топди. Шунга мувофиқ равишда, мазкур ижод намуналарида ижтимоий-сиёсий тарихий сўзларнинг қўлланилиши тақозо этилган эди.

А.Қаҳҳор асарларида ҳам муайян даврда неологизмлар ҳисобланган, ҳозирги кун нуқтаи назаридан тарихий сўзлар деб қараладиган қатор эскирган лексика ишлатилган, айниқса,

¹⁷ Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари, -Тошкент, 1985, 121- бет.

¹⁸ Русча "губернатор" атамасининг ўзбекчалаштирилган шакли.

бундай лексемалар ёзувчининг "Сароб" романида ва ҳикояларида кўплаб учрайди. Фикримизни исботловчи мисоллар келтирамиз: хон-хоқон (Бир шоира ўтмишдаги хон-хоқонларни соғиниб шеър ёзибди, 46), чўри (Ҳолбуки хон-хоқонлар замонасида унга ўхшаган ўнлаб аёллар эркакнинг чўриси эди, 46), қарол (У улфатларидан соф тил ўрганса, чоракор, қароллар билан муомала йўлларини ўрганади, 55) ва б.

Шунингдек, муаллиф «Сароб» романи ҳамда ҳикояларида пошшолик (1,33), амин (1,33) каби диахроник пландаги историзмлардан фойдаланган. Ёзувчининг "Сароб" романида ҳам, ҳикояларида ҳам улар яратилган даврда фаол қўлланган, яъни неологизм деб қаралган қатор лексемалар ишлатилган эди. Уларнинг бир талайи эса ижтимоий-сиёсий, иктисодий, маданий ҳаётда рўй бериб келаётган объектив сабаблар, аниқроғи, у ёки бу тарзда ўзгаришлар туфайли ҳозирги кун нуқтаи назаридан историзмларга айланиб қолди.

А.Қаҳҳор асарларида воқеа-ҳодисалар тасвири талаби билан ўз даврида фаол қўллаб келинган, бироқ ҳозирда тарихий сўзлар қаторидан жой олган бир талай лексемалар ишлатилган. Бу каби тарихий сўзларнинг асосий қисмини русча луғавий бирликлар ташкил этади. Фикримизнинг далили учун айрим мисоллар келтирамиз:

Приказчик:...отаси шийпонда ётган ёки ўз приказчиклари билан ҳисоблашиб, чўт уриб ўтирган бўларди (28).

Союзқўшчи: Союзқўшчига. ер беринглар, деб ариза бердим... (58).

Ячейка: Саидий босмаҳона ячейканинг секретари Пўлатовнинг олдида боришга бел боғлаганида ҳам шундай бўлди (160).

1. "Сароб" романида: -Рабфакда(1) ўқиб турибмиз... -деди Теша (81);

2. Ҳикояларида: -Ўғлим, -деди, -стахановчилик дейсизлар, бунинг ҳикмати нимада? (I, 123).

Ғ. Ғулум асарларидаги тарихий сўзлар. Ғ.Ғулумнинг «Шум бола», «Нетай», «Тирилган мурда», «Ёдгор» қиссаларида ҳам ўтмиш воқелигини акс эттирувчи қатор тарихий сўзлар ишлатилган бўлиб, улар, биринчидан, муаллиф нутқида, иккинчидан, персонажлар нутқида ишлатилган. Бу каби лексемалар ҳам юқоридагидай тарзда гуруҳчаларга ажратиб қаралди. Ёзувчининг мозий мавзуси ёритилган «Нетай», «Шум бола» каби асарларида айти шу хилдаги тарихий сўзлар кўпроқ ишлатилганлиги маълум бўлди. Фикримизнинг далили учун айрим мисоллар келтирамиз: эликбоши (IV, 17), жаноби олий (IV,18), бийлик (IV, 20), қарол (IV,20), қул (IV, 20), хон (IV, 23); Поезд паровоздан мустасно олти вагондан иборат. Биринчиси амирнинг ўзи..., дарбонларига махсус, иккинчиси мулозимлари билан аскарлари хосга махсус, учинчиси вазирлар, саркардалар, йўл руҳонийлари ва ўзга улуғларга махсус... (IV, 25); Яна шукур қилмоқлик (Рабфак — САГУ (Ўрта Осиё Давлат университети) қошидаги ишчилар факультети. (Русча "рабочий факультет" бирикмасининг қисқартмаси) керакки, тепамизда соябон бўлиб турган бир неча меҳрибон боёнларимиз, пахтачи, заводчи ағниёларимиз бор экан ва б.

Мазкур тарихий сўзлар биргина "Нетай" қиссасида ишлатилган. Энди унинг "Тирилган мурда" асарида қўлланган I тип тарихий сўзлардан намуналар келтирамиз ("Нетай" асарида қўлланган шундай лексемалар бу ўринда келтирилмади, албатта; бундан кейинги асарлардан олинган мисолларга ҳам шу йўсинда ёндашилди):

Бой, камбағал деҳқон, қарол (Ерлари бойга ўтиб кетган камбағал деҳқонларнинг кўпчилиги шу бойнинг эшигида қарол бўлиб қолаверар эканлар (53) ва б.

"Шум бола" қиссасида эса қуйидаги I тип тарихий сўзлар ўз ифодасини топган:

Қози (...иши қозига тушган одамлар келиб эшонга сиғиниб, ҳожат талаб қила бошладилар, 187); пошшо (Пошшолар тинч яшаса, хотини талоқ бўладигандай..., 232); кўкнорихона (Бу ер кўкнорихона - така эди, 236); саркор (... эски шаҳар бозоридаги қоровулларнинг бошлиғи Раҳматулло саркорга кўзим тушиб қолди, 242) ва б.

30-йилларда яратилган бошқа асарларда бўлганидек, Ғ.Ғулумнинг асарларида ҳам синхрон планда тарихий сўзлар жумласига ўтиб қолган лексемалар (пристав (IV, 18),

губернатор (18) каби) ўз ифодасини топгандир. Шундай луғавий бирликлар жумласига қўйидагиларни киритиш мумкин:

Оқпошшо (У, жаноби кибриё назар оқпошшо ҳазратларига оқ бўлди (IV, 31);

Думахона (Ҳар маҳаллага биттадан шаҳар думахонаси ўтказган хира фонусларнинг ичида еттинчи пиликли керосин чироғ ёнар эди, 131); 187);

Городовой (... катта қиличи отнинг белидан пастга тушиб турган бир городовой қамчи ўйнатиб.. келар эди, 183);

Колхоз: Бугун колхознинг чойхонасида мажлис бўлди (Тирилган мурда, 64).

Бўлис¹⁹ (Эрта билан бўлисинг олдига бордим, 195);

Мастеравой (Шу бебош аскарларнинг бошида мастеравой деган бир полвон турган эмиш, 239);

Полеска²⁰ (Нимаси етишмайди, фуқароси булса хом гуштдай итоатли, миршабу полескалар қиличдай, 232);

Ячейка: Ячейкадан карточкаларимни олдим (Ёдгор, 165).

ФЗУ²¹: Қумри тўқимачилик комбинатининг ФЗУсига ўқишга кирибди (Ёдгор, 176).

Колхозчи: Кўп умрим теварак-атрофдан келадиган колхозчилар ҳам шаҳар граждандарига ёрдам беришдан иборат (Ёдгор, 192).

Бригада: Колхознинг бригадалари бир-бировларининг мусобақага чақирдилар (Тирилган мурда, 209).

Бригадир: Биринчи гал тушганимда бригадирим ҳеч нима демади (Тирилган мурда, 210).

Правление: Правление билан 13 ярим центнердан шартлашган бўлсам ҳам, 24 центнердан беришни мўлжал қилиб юрибман (Тирилган мурда, 212).

Мисоллардан кўриниб турибдики, Ғ.Ғуломнинг “Ёдгор” ва “Тирилган мурда” қиссаларида синхрон пландаги тарихий сўзлар кўпроқ ишлатилган экан. Чунки мазкур асарлар халқимиз учун янгилик бўлмиш собиқ “совет ҳокимияти” ўрнатилгандан кейин яшаган даврда яратилган эди.

¹⁹ Бўлис - русча волостной сўзининг ўзбекчалаштирилган шакли.

²⁰ Полеска -русча полицеский лексемасининг талаффузга мослаштирилган шакли.

²¹ ФЗУ — русча “фабрично-заводское училище” (“фабрика-завод билим юрти”) бирикмасининг қисқартма шаклидир.